

**Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш ва жойлаштириш
хизматларини кўрсатиш бўйича**

ШАРТНОМА № 3/3

2022 йил “ 5 ” январ

Бахмал туман.

Жиззах вилояти “Тоза худуд” ДУК Бахмал туман филиали, бундан буён “Ижрочи” деб аталувчи номидан, 22 декабр 2021 йилдаги № 2 - сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи филиал бошлиғи Х.Мажидов бир томондан, бундан буён “Истеъмолчи” деб аталувчи Бахмал туман Халқ таълими бўлими номидан, устоз асосида фаолият юритувчи К.Гулбоев лар иккинчи томондан Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуни ва “Маиший чиқиндиларни ташиш қоидалари” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 ноябрда 3195-сон билан рўйхатга олинган) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги 95-сонли “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив ҳуқуқий- ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ушбу шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Мазкур шартномага биноан Ижрочи билан Истеъмолчи ўртасида қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни (кейинги ўринларда ҚСМЧ деб аталади) ташиб кетиш ёки жойлаштириш хизматларини кўрсатиш бўйича тўғридан тўғри хўжалик-молиявий муносабатлар ўрнатилди.

1.2. Шартномада белгиланган хизмат ҳақи эвазига Истеъмолчи томонидан ҳосил бўладиган ҚСМЧларни Ижрочи ташиб кетиш ёки жойлаштириш хизматларини белгиланган тартибда кўрсатишни зиммасига олади.

1.3. Амалдаги ҚСМЧларни ташиб кетиш ва жойлаштириш бўйича таърифлар Жиззах вилояти хокимининг 2020 йил 31 декабрдаги №379-сонли қарори 1- иловасига асосан қуйидагича:

- қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш:

1 м3 (куб) учун – 42 000 сўм, ҚҚС билан 48 300 сўм.

1 тн (тонна) учун – 94 800 сўм, ҚҚС билан 109 020 сўм.

- чиқинди полигонига чиқинди жойлаштириш:

1 тн (тонна) учун – 9500 сўм, ҚҚС билан 10925 сўм.

- суюқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш:

1 тн (тонна) учун – 30 000 сўм, ҚҚС билан 34 500 сўм.

Таърифлар Вилоят хокимининг Қарори билан ўзгариши мумкин ва таърифлар ўзгарган ҳолларда тўғридан-тўғри шартнома суммаси ҳам ўзгаради.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Санитария Қоидалари ва Меъёрларига асосан ҳудудлар бўйича ўрнатилган меъёрлардан, фаолият туридан, жойлашувидан ва хизматдан фойдаланиш усулидан келиб чиқиб Истеъмолчи томонидан ҳосил қилинадиган ҚСМЧ йиллик тўлланиш ҳажми ва хизмат ҳақи суммаси қуйидагича бўлади.

Фаолият тури: _____

Хизмат кўрсатиш манзили: Бахмал туман Усмаг ШФЙ

Хизматдан фойдаланиш усули (ташиб кетиш ёки жойлаштириш): Ташиб кетиш

Т/Р	Фаолият тури / Чиқинди ҳосил бўлиш манбаси номи	Ўлчов бирлиги	Ўртача йиллик жамланиш меъёри (м3)	Йиллик ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқинди ҳажми (м3 ёки тн)	Йиллик ҳосил бўладиган суюқ маиший чиқинди ҳажми (м3 ёки тн)	Бир йиллик хизмат ҳақи суммаси
1	Маиший чиқинди	м3	-	3,05	-	147 315
2	-	-	-	-	-	-
3	-	-	-	-	-	-
	Жами			3,05	-	147 315

2. КўРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ

2.1. Шартнома бўйича кўзда тутилган тўловнинг ҚҚС билан биргаликда умумий қиймати 147 315 (Бир юз қирқ етти минг уч юз ўн беш) сўмни ташкил этади.

2.2. Истеъмолчилар ҚСМЧларни ташиб кетиш ва жойлаштириш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун юқоридаги меъёр асосида ҳисобланган чиқинди ҳажми учун ҳисобот ойнага олдиндан 100 % тўловни (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги 95-сон қарори 5 боб 21 банд) амалга ошириши шар.

2.3. Ҳисобот ойна якуни билан ҳақиқатда бажарилган ишлар бўйича фарқи кейинги ойнанинг 10 санасигача амалга оширилиши лозим.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

-Истеъмолчидан бажарилмаган мажбуриятлар бўйича жарима ёки пеня тўланишини талаб қилиш, тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаса тўлов талабномаси орқали ва Мажбурий ижро бюроси (МИБ) орқали ундириш ҳамда қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

-Истеъмолчининг буюртмалари асосида белгиланган муддатларда, белгиланган шартларга мувофиқ, зарур сифатда хизматларни кўрсатиш ва қонунчиликда белгиланган бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

3.2. Истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- Ижрочи хизматларидан фойдаланиш, жарима ёки пеня (неустойка) тўланишини талаб қилиш ва қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

- Шартнома талабларини бажариш ва қонунчиликда белгиланган бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сонли қарорига асосан белгиланган ҳудудларда санитар жиҳатдан тозалаш ишлари ва чикинди қутиларини жойлаштириш ҳамда фойдаланиш Истеъмолчи томонидан амалга оширилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Истеъмолчи:

- Шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги ҳамда кўрсатилган хизматларга ўз вақтида тўлов тўламаганлиги учун ва шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган ҳар бир куни учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 % микдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50 % дан ошмаган микдорида, пеня тўлаш бўйича жавобгардир.

4.2. Ижрочи:

- кўрсатилаётган хизматларни белгиланган тартибда бажармаси Истеъмолчига кечиктирилган ҳар бир куни учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 % микдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50 % дан ошмаган микдорида, пеня тўлаш учун жавобгардир.

4.3. Пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

55.1. Томонлар орасида келиб чиққан барча келишмовчилик ва тортишувлар музокаралар йўли билан ҳал этилади. Агар келишмовчи ва низолар ўзаро ҳал этилмаган тақдирда қонунчиликка биноан суд орқали ҳал этилади.

6. ШАРТНОМА МУДДАТИ

6.1. Шартнома муддати “ 5 ” январ 2022 йилдан “31 ” декабрь 2022 йилгача белгиланади ва Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган хўжалик субъектлари учун мазкур шартнома Ҳазначилик органларида рўйхатга олингандан кейин кучга киради.

6.2. Ушбу шартномага тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш томонларнинг розилиги билан амалга оширилади.

6.3. Шартнома муддати давомида томонлардан эътироз бўлмаган бўлса шартнома муддати кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

6.4. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

6.5. Шартнома Ҳазначиликдан рўйхатга олинади. _____

7. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

“ИЖРОЧИ”

Жиззах вилояти “Тоza худуд” ДУК

Манзил: Бахмал туман Ўснат ШФЙ

Тел: 8-372-412-11-78

Банк: Агробанк Бахмал туман филиали

Ҳисоб рақам: 22604000700782671002

МФО: 00132

СТИР 304 938 094 ХХТУТ 90211, ИФУД 38110

“ИСТЕЪМОЛЧИ”

Бахмал туман халқ таълими бўлими

Манзил: Ўснат ШФЙ

ХТБ Тоza худуд ДУК

Тел.: 72-412-15-63 факс: 71-412-11-40

х/р.: 23402000300100001010


МФО: 00014 ИНН: 201122919

Бюджет ташиқлотлари учун

Бахмал туман Ҳазначилик бўлини маси

ШХВ: 100022860082047096100075007

ИНН: 207130019 ОКОНХ: 97600



К.Гулбоев

Х.Мажидов

(ФИШ, имзо, муҳр)



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ YN78382300

- | | |
|---|---|
| 1. Loyihaning turi | Shartnoma |
| 2. Loyihaning nomi | Shartnoma 3/3 |
| 3. Loyixasining mazmuni | Qattiq va suyuq maishiy chiqindilarni tashib ketish va joylashtirish xizmatlarini ko‘rsatish bo‘yicha |
| 4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot | Xujjat loyixasi Baxmal tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022 yil 21 yanvar kuni dasturga kiritilgan.
Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq. |

Markaz bosh yuristkonsulti



A. Ergashev

2022 yil «21» yanvar